

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АШУРОВА САРВИНОЗ УРАЛОВНА

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА БАРҚАРОР ВА БЕҚАРОР
ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

09.00.01- Онтология, гносеология ва мантиқ

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Ашурова Сарвиноз

Жамият тараққиётига барқарор ва беқарор жараёнларнинг таъсири

..... 3-19

Ашурова Сарвиноз

Влияние устойчивых и неустойчивых процессов на развитие общества

.....20-37

Ashurova Sarvinoz

The impact of the processes of stability and instability on the development of
society

.....38-44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45-46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЎК: 1: 297:15 (575.1)

АШУРОВА САРВИНОЗ УРАЛОВНА

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА БАРҚАРОР ВА БЕҚАРОР
ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантиқ

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fal174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шермухамедова Нигинахон Арслоновна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Туленова Карима Жандаровна**
фалсафа фанлар доктори, профессор

Кушаков Шухрат Салиевич
фалсафа фанлар доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « » соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2022 йил « » куни тарқатилди.
(2022 йил « » июндаги рақамли реестр баённомаси).

И. С. Саифназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М. Рузматова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж. Нишанова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барқарорлик жамиятнинг барча соҳаларида, хусусан, одамлар тафаккурининг ўзгаришида, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва саноатнинг ривожланишида беқарорлик шахслар, миллатлар ва баъзи давлатларда маънавий ва интеллектуал маданий инқирозда намоён бўлмоқда. Бу халқаро ҳамжамиятнинг барқарорлик ва беқарорликнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш, жамиятда юз бераётган муайян салбий оқибатларнинг ечимини топишда тараққийпарвар кучларнинг бирлашишини тақозо этмоқда. Шу боис, беқарорликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ижтимоий-маданий барқарорлигга замин яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида жамият тараққиётида амал қилаётган барқарорлик ва беқарорликнинг аҳамиятини ўрганиш, инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришда моддий ва маънавий барқарорлик ижтимоий барқарорлик механизми эканлигини асослаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жамиятнинг маънавий, сиёсий ҳаётида барқарорликка эришишнинг механизмлари сифатида давлатни илмий бошқариш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш, оилавий ажримларнинг сабабларини аниқлашга эътибор қаратилмоқда. Бу соҳадаги илмий тадқиқотларда энг аввало инсон онгида жамият тараққиётига нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инсон билимидан фақат ижобий мақсадларда фойдаланишнинг йўллариини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жамиятнинг модернизацияси, тарихий ҳақиқатни қайта ўрганиш, тарихдан сабоқ олиш учун илмий далиллардан фойдаланиш, барқарор тараққиётни таъминлашда беқарорликнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда. Ижодий фаолиятга ижтимоий муҳитнинг таъсирини аниқлаш, маданий инқирознинг олдини олишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмоқда. Шу боис, ижтимоий жараёнларда беқарорлик чизиксиз ривожланишнинг асоси, тасодифий ўзгаришлар тараққиётнинг кафолоти эканлигини чуқур англаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг моҳиятини фалсафий таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли, 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5465-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим

тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сонли қарори, ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятдаги барқарор ва беқарор жараёнларга Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари алоҳида эътибор қаратганлар. Қадимги Авестода «яхшилик ва ёмонлик, зулмат ва ёруғлик»²нинг бир бири билан тақозаланганлиги барқарорликдан беқарорликга ўтиш лаҳзаси сифатида намоён бўлса, Ж.Румийнинг «Инсонга бир пайтнинг ўзида хайрга ва шаарга мойиллиги бор ва у ўзи билан қолганида шаарга (ёмонликга) мойиллигини билдиради»³ деб таъкидлаган. Низомий Ганжавий, А.Навоийнинг «Хамса»⁴ достонидаги воқеалар жамиятда амал қилувчи барқарорлик ва беқарорликга ишорадир. Қадимги юнон файласуфлари Платон «Жамиятда қабул қилинган қоидаларга амал қилиш барқарорлик омилидир»⁵, деб таъкидлаган. Аристотель фикрича, «тартибсизлик беқарорликка, бу эса таназзулга олиб келади»⁶. Софистлар барқарорликнинг ижтимоий ҳақиқатни тан олишдаги ўрнини асослаган. Ўрта аср мутафаккири У.Оккам фикрича, «Тартиб Худодан, тартибсизлик шайтондан»⁷дир. Француз файласуфи Р. Декарт фикрича, «математикада тартиблилик амал қилса, ижтимоий тизимда тартибсизлик амал қилади»⁸, Лейбниц «Барқарорлик ва беқарорлик келажак истиқболларига мўлжал олади»⁹, В. Гегель «ақлга таяниб бажарилган ҳар қандай иш барқарорликдир»¹⁰, И. Кант

¹ Муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»га киритилган.

² Авесто.А.Махкамов таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001, -345 б

³ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир.- Тошкент: Маънавият, 2013 –Б.73.

⁴ Алишер Навоий. ХАМСА/Алишер Навоий; қискартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.

⁵ Платон О государстве.—Москва: Наука, 2001. – 456 с.

⁶ Аристотель. Никомахово этика. –Москва: Наука, 2015. –756 с

⁷ Уильям Оккам// Всемирная энциклопедия. – Киев, Современные тетради, 2001. – С.451.

⁸ Декарт Р. Рассуждение о методе. – М.: Наука, 1995. – С.56.

⁹ Лейбниц. Всемирная энциклопедия.- Киев, Современные тетради, 2001.- С.234.

¹⁰ Гегель. Феноменология духа. –М.: Прогресс, 1993. - С.134.

«ижтимоий барқарорликнинг сабаби ички беқарорликдир»¹¹ деб таъкидлаган. Г. Рикерт «ижтимоий-маданий жараёнлар барқарорлигини кадриятлар тизими сифатида баҳолаган ва маданий кадриятлар уйғунлиги барқарорлик омили»¹², деб ҳисоблаган. Ф. Ницше «маданиятларнинг тартибсиз бирлаштирилиши ижтимоий беқарорлик»¹³ ни намоён қилишини асослаган.

МДХ олимлари барқарорлик ва беқарорлик диалектикасининг тарихий, фалсафий, илмий жиҳатларини очиб берганлар. Украиналик олим И.С.Добронравова «ночизилиқли тафаккурда беқарорликда намоён бўлишини»¹⁴, М.С.Каган «гуманитар фанлар мазмунидаги беқарорликни бартараф этишда тизимли ёндашувнинг ўрни»¹⁵ни, И.Стюарт «ижтимоий-маданий беқарорлик ва барқарорликнинг ўзаро алоқаси»¹⁶ни, А.И. Уемов «мураккаб тизимлардаги барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси»¹⁷ ни аниқлаган.

Қозоғистон олимлари Пхен Ки Кан «Россиянинг Қозоғистон ва Ўзбекистон билан ўзаро алоқалари: концептуал асослар, интеграция жараёнларининг асосий омиллари»¹⁸, Т.К. Токаев «Қозоғистон Республикаси стратегияси: миллий манфаатлар, устувор йўналишлар»¹⁹, Тожикистон олимлари Б.А.Раиси «Тожикистоннинг Эрон Ислом республикаси билан сиёсий ўзаро алоқалари»²⁰, Л.Т.Назархудоева «Тожикистонда замонавий оилалардаги муаммолар»²¹, Х.М.Рахнамо «Тожикистонда ҳокимият муаммоси»²², З.Шарифзода «Тожикистонда халқаро терроризмга қарши курашда, халқаро ҳамкорликда барқарорлик ва беқарорлик жараёнларининг аҳамияти»²³ни очиб берган.

Ўзбекистон олимлари ижтимоий-маданий жараёнлардаги барқарорлик ва беқарорликни маданий ҳаёт динамикаси мисолида асосланган. Ш.Пахруддинов сиёсий барқарорлик ва беқарорлик омилларини, Х.Шайхова, М. Холматова, Н. Сайдалиева, И. Саифназаров, Ф.Саифназарова «оиладаги барқарорлик эр ва хотиннинг ўзаро ҳурмати, меҳрига таянишини»²⁴, Р.

¹¹ Кант И. Критика чистого разума. –М.: Наука, 2013. - С. 345.

¹² Рикерт Г. Избранные произведения. –М.: АСТ, 2005. - С. 243.

¹³ Ницше Ф. Веселая наука, –М/: Наука, 1995.-С. 134.

¹⁴ Добронравова И.С. Синергетика становления нелинейного мышления, – Киев^ Лыбыл.1990.-150 с.

¹⁵ Каган М.С. Системный подход и гуманитарное знание. –Л: Изд-во ЛГУ, 1991. -304 с.

¹⁶ Постон Т. Старт И Теория катастроф и её приложение. – Москва: Мир 1980, -607 с.

¹⁷ Уемов А.И. Свойства, системы сложность// Вопросы философии.-2003-№ 6.С.96-110

¹⁸ Пхен Ки Кан. Взаимоотношения России с Узбекистаном: концептуальные основы, основные факторы интеграционных процес. Автореферат диссертации доктора философии. Казахстан, 2013.

¹⁹ Токаев Т.К. Стратегия республики Казахстан: приоритетные направления национальных интересов Казахстан, автореферат диссертации доктора философии, 2005.

²⁰ Раиси Б. Политические отношения Таджикистана с Исламкой республикой Иран, Таджикистан, автореферат диссертации доктолра философии. 2009.

²¹ Назархудоева Л. Проблемы семейных отношений в Таджикистане. Таджикистан, диссиртеции доктора философии. 2015.

²² Рахномо Х. Проблема власти в Таджикистане, Таджикистан, автореферат диссертации доктора философии. 2007.

²³ Шарифзода З. Значение устойчивого и неустойчивого международного сотрудничества в борьбе против международного терроризма. Таджикистан, автореферат диссертации доктора философии. 2011.

²⁴ Шайхова Х.Миллий кадриятлар. Тошкент: Маънавият, 2005, Холматова М,Ю Сайдалиева Н. Оилавий муносабатлар ва ёшлар муаммолари. Тошкент: Мумтоз сўз. 2003. Саифназаров И. Сафиназарова Ф. Ёшлар ва оила маънавияти. Тошкент: 2018.

Ахледдинов, С. Ашуров, Д. Рўзиева «таълим тизимидаги ислохотларга босқичма-босқич амал қилишнинг тизим беқарорлигини бартараф этиш омили»²⁵ эканлигини очиб берганлар. С.Отамуродов «глобаллашув жараёнларининг динамикасини ўрганиш сиёсий жараёнлардаги беқарорликни аниқлаш омили»²⁶ эканлигини асослаган бўлса, Б.Тўраев «Синергетика»²⁷ монографиясида жамиятдаги сиёсий беқарорликнинг индивидуал беқарорликга таъсирини, Б.Каримов «тилдаги беқарорлик маънавий янгиланишнинг белгиси»²⁸ эканлигини, Н.Шермухамедова «Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси»²⁹ китобида ижтимоий барқарорлик методологиясини очиб берган.

Адабиётларнинг таҳлили жараёнида ижтимоий-маданий жараёнлардаги барқарорлик ва беқарорликнинг ижтимоий, тарихий, фалсафий, методологик, сиёсий жиҳатлари очиб берилганлиги, ушбу тадқиқот ишида эса, бу жараённинг методологик аҳамияти ва барқарорликдан беқарорликка ўтишдаги муаммоли вазиятлардан оқилона чиқиш имкониятларини асослашга ҳаракат қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Қарши давлат университетининг «Жамиятнинг маънавий ҳаёти динамикаси ва эволюцияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий, ижтимоий-маданий жараёнларда амал қилувчи барқарорлик ва беқарорликнинг инсоннинг оқилона фаолиятида йўл танлаш имконияти ва жамият тараққиётининг йўналишларини аниқлашдаги таъсир даражасини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

барқарорлик ва беқарорлик чизикли-чизиксиз тафаккур ва дунё билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги замонавий таълимотларнинг моҳиятини очиб бериш;

ижтимоий-маданий жараёнлардаги барқарорлик ва беқарорликнинг амал қилишига оид методологик ёндашувларни таснифлаш ва уларнинг таъсир даражасини очиб бериш;

барқарорлик-беқарорлик диалектикаси табиат ва жамият мавжудлигини таъминловчи универсал хусусиятга эга эканлигини очиб бериш;

барқарорликнинг объектив томони қарама-қарши кучлар ва йўналишлар келишувининг мавжудлиги, субъектив томони, муроасага интилиш мақсади билан боғлиқ эканлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объектини давлат ва жамиятнинг ривожланиш

²⁵ Ахледдинов Р. Мактаб тарбияси. Тошкент: Педуниверситет, 2005, Ашуров С. Давлат таълим стандартлари муаммо ва ечим: Тошкент: Педуниверситети, 2004, Рузиева Д. Педагогик таълим парадигмалари. Тошкент: Педуниверситет, 2015.

²⁶ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллатни асраш муаммолари. Тошкент: Маънавият, 2018.

²⁷ Тўраев Б. Синергетика.-Тошкент, Навоий ноимдани Миллий кутубхона, 2013,

²⁸ Каримов Б.Р. Муталов Ш. Ўрта турк тили. Тошкент: Меҳнат нашриети, 1992

²⁹ Шермухамедова Н.А. Борлиқ ва ривожланиш фалсафаси. Тошкент: Ношир, 2013. –Б. 98.

жараёнларидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ижтимоий-маданий жараёнларда барқарорлик ва беқарорликнинг амал қилиш механизмлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумийликдан хусусийликка ўтиш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш усуллари, тарихийлик, тизимлилик, ворисийлик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамият барқарорлиги ва беқарорлигининг жамоа онги, шахс индивидуал тафаккур услуби, жамият қонунлари, тасодифийлик асосида ўзгариши, синергетик хусусиятлари табиий ва ижтимоий жараёнлар диалектик моҳияти беқарорликнинг чизиксиз тизим сифатида ривожланишда намоён бўлиши асосланган;

жамият тараққиётига барқарор ва беқарор жараёнларнинг таъсири ҳар қандай тизимнинг яхлитлиги, ижтимоий-маданий фаолият субъектининг ўз ҳаракатларини реал имкониятлар билан боғлаш имкониятининг намоён бўлиши, қарама-қаршилиқлар оқибатидаги келишувларнинг мавжудлиги каби объектив омиллари ва давр руҳи, инсон табиатининг ўзгарувчанлиги, мавжуд билимларнинг тасаввурдан ташқарида бўлиши, янги барқарор қадриятлар тизимини яратиш каби субъектив омиллар фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

барқарорлик ва беқарорликнинг онтологик ва гносеологик моҳияти инсоннинг беқарор жараёнларни оқилона фаолияти билан бошқариши ва уларни бартараф қилиш йўллари топиши, беқарорликдан барқарорликка ўтиш инсоннинг иродаси билан боғлиқлиги, миллат менталитети, тарихий воқелиқлар, илмий ва технологик инқилоблар натижасида билишга доир муносабатлардаги ўзгаришларнинг субстанционал, герменевтик, структуралистик жиҳатлари очиб берилган;

жамият учун беқарорлик фақат ўтиш даврида зарурий ижтимоий ҳодиса сифатида муайян барқарорликка эришиш воситаси бўлиб хизмат қилиши, беқарорлик функционал жиҳатдан муқаррар янгиликка эришиш сифатида амал қилиши ва уларнинг меъёри ижтимоий муносабатларнинг давомийлигини таъминлаши фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

барқарорлик ва беқарорликни ўрганиш учун ижтимоий-маданий жараёнда барқарорлик ва беқарорликнинг тасодифийлигини тушуниш ва тартибга солишнинг усул ва воситалари, дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган ижтимоий-маданий моделини яратиш методологияси очиб берилган;

чизиклиликнинг диний дунёқарашга барқарорлик омили сифатида таъсири, ночизиклик ижтимоий-маданий тараққиётнинг беқарорлик йўлини англатиши ва уни бартараф этишда билимдан фойдаланиш методологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф, тавсиялар ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий

этилганлигининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий жараёнлардаги беқарорликнинг сабабларини аниқлашнинг янги барқарор тараққиётни таъминлаш омили сифатидаги аҳамиятига оид илмий тадқиқот ишларида, беқарорликнинг доимийлиги тизим тараққиётга салбий таъсирини бартараф этиш бўйича тизимли фаолиятни ташкил этиш, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги тасодифий беқарорлик вазиятларига мослашиш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан жамият тараққиётининг барқарорликдан беқарорликка ўтиш ва, аксинча, жараёнларда аҳолининг ҳушёрлигини ошириш, ўзаро ёрдам, меҳр-саховат, тушкунликка тушмаслик учун биродарлик ва жамоа руҳини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

жамият барқарорлиги ва беқарорлигининг жамоа онги, шахс индивидуал тафаккур услуги, жамият қонунлари, тасодифийлик асосида ўзгараши беқарорликнинг чизиксиз тизим сифатида ривожланишда намоён бўлиши ва янги барқарорликнинг шарти эканлиги эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 15 сентябрдаги 10/1643-сонли маълумотномаси). Натижалар инсон тафаккуридаги барқарорлик ва беқарорликнинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни очиб бериш ва унинг мазмунини тингловчиларга тушунтиришга хизмат қилган;

тафаккур тарзидаги беқарорлик инсон табиатининг ўзгарувчанлиги онгдаги ўзгарувчанлик, мавжуд билимларнинг тасаввурдан ташқаридаги хусусиятлари билан боғлиқ объектив омиллари ҳамда давр руҳи, турмуш тарзи, ўтмиш маданий меросига муносабатни баҳолаш, янги барқарор кадриятлар тизимини яратишда намоён бўладиган субъектив омилларига оид тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг янги маданий мерос объектларини ўрганиш бўйича тизимли фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 6 августдаги 14-07-1537-сонли маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган турли миллат вакилларида ўз миллий маданий меросини ўрганиш учун яратилаётган тенг шароитлардан фойдаланиш, ўзини шу ватан фуқароси эканлигини тушуниш ва халқ фаровонлигини таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлишнинг аҳамиятини тушунишига хизмат қилган;

барқарорлик ва беқарорликнинг онтологик ва гносеологик моҳияти инсоннинг беқарор жараёнларни оқилона фаолияти билан бошқараши ва

уларни бартараф қилиш йўллари топиши, беқарорликдан барқарорликка ўтишда инсоннинг иродаси билан фундаментал боғлиқлиги, миллат менталитети, тарихий воқеликлар, илмий ва технологик инқилоблар натижасида билишга доир инновацион жиҳатлари оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг аҳоли турли қатламлари билан ишлашга мўлжаллаган тизимли фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 29 сентябрдаги 02/08-1204-сонли маълумотномаси). Натижалар маҳаллаларда тарбияси қийин шахсларнинг психологик рухий ҳолатларидаги беқарорлик сабабларини аниқлаш, уларнинг депрессия ҳолатларидан чиқиш, ҳаётда ўзига ишончни қайтаришда мақсадли фаолиятни ташкил қилиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

жамият учун беқарорлик фақат ўтиш даврида муайян барқарорликка эришиш воситаси бўлиб хизмат қилиши, беқарорлик муқаррар янгиликга эришиш сифатида амал қилиши ва уларнинг меъёри ижтимоий муносабатларнинг давомийлигини таъминлаши эканлигига оид ғоялардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 02/02-342-сонли маълумотномаси). Натижалар маданий-тарихий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш ва маданиятлар диалогини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 таси республика ва 2 таси хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар сони ва диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Барқарорлик ва беқарорлик диалектикасининг фалсафий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида

барқарорлик ва беқарорлик жараёнларининг таҳлиliga оид фалсафий ёндашувларнинг эпистемологик жиҳатлари очиб берилган.

Муаллиф фикрича, жамият тараққиётига барқарорлик ва беқарорликнинг таъсири ижтимоий-маданий жараёнларда намоён бўлади ва дунёни билиш орқали унинг таъсир даражаси, фаолиятнинг мақсадлари, объектлари ва натижалари, шунингдек уларга эришиш йўллари аниқланади. Бу жараёнда ижтимоий фаолиятнинг барча воситаларидан фойдаланилади, зеро илмий билиш усуллари беқарорликнинг сабабларини ўрганиш ва уни бартараф этишга мўлжал олади. Диссертацияда Б. Бабаевнинг «Ижтимоий-маданий жараён - бу шахснинг фаолияти натижаси, йўқ нарсани бор қилишга ҳаракат усулидир»³⁰, деган ёндашувига ижобий баҳо берилган, зеро инсоннинг ижтимоий фаолияти ижтимоий онгда акс этади ва у фикрий эксперимент методи орқали илмий фикрлаш қодаларига мувофиқ қайта ишланади. Масалан, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида Будда санамларининг кашф этилиши қадимги даврларда ушбу мамлакатлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқалар ва муносабатлар мавжуд бўлган деган хулосага олиб келади. Ушбу ёндашувда маданиятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бир-бирини бойитувчи ижтимоий-маданий жараён аниқ тарихий жараённинг мавҳум мантиқий аналоги сифатида намоён бўлади. Диалектик ёндашув нуқтаи назаридан тарихий ва маданий фаолиятнинг барқарорлиги ва беқарорлиги, бу жараёнларда инсон омилининг аҳамиятини оширади. Муаллиф фикрича, беқарорлик маданий-тарихий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш ва маданиятлар диалогининг омилидир, бунда бир маданиятнинг рад этилиши янги маданий барқарорликнинг шаклланишига асос бўлади.

Диссертацияда кундалик онг даражасидаги барқарорлик ва беқарорлик тафаккур услуби ва элитар маданиятда намоён бўлишида очиб берилган. Муаллиф ўзбек олимлари Н.Абдуллаева, О.Нишонова, У.Қорабоев, М.Нурматованинг маданий ҳаётдаги барқарорлик динамикаси ва беқарорликка ўтиш жараёнларига оид қарашларини қиёсий таҳлил этган³¹ ва барқарор ривожланишнинг механизми сифатида ижтимоий онгдаги ўзгаришлар амал қилишини асослаган. Жаҳон халқлари маданиятининг динамикасини аниқлаш учун Г.Спенсер, К.Ясперс қарашларини А.Тойнби, О.Шпенглернинг ғоялари билан қиёслаган, жамиятдаги ўзгарувчанлик барқарорлик ва беқарорликнинг доимий алмашинуви билан боғлиқлигини очиб берган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида беқарор жараёнлардан барқарорликка ўтишда сиёсий лидернинг хушёрлиги алоҳида аҳамият касб этган ва барқарорликни тарғиб қилишда зиёлилар қатламига таянилган, жамиятнинг барқарор тараққиёт концепцияси яратилиб, унинг амал қилиш механизми ишлаб чиқилган ва у ҳозирги кундаги “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” бош ғоясининг назарий асоси бўлган.

³⁰ Бабаев Б.Ж. Диалектика эмпирического и рационального познания. – Тошкент: Фан, 1992. – 45 б.

³¹ Нишонова О. Этномаданият. – Тошкент, 2019.

Муаллиф фикрича, инсон беқарор жараёнларни оқилона фаолияти билан бошқаради ва уларни бартараф қилиш йўлларини топади, бу эса унинг тарихдаги ижтимоий-маданий фаолиятининг асосий аҳамиятидан далолат беради. Беқарорликдан барқарорликка ўтишда инсоннинг иродаси мустаҳкамланади.

Диссертацияда онгнинг тартибли фаолияти Эрнст Мах ва Б.Спинозанинг ижоди мисолида тадқиқ этилган. Муаллиф фикрича, онгдаги беқарорликнинг сабаблари инсон табиатининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг вазиятга мослашувчанлигини тарбиялайди. Онгдаги беқарорлик ноаниқликнинг алоҳида ҳолати бўлиб, у баъзида давлатлараро муносабатларда ижтимоий манфаатлар ўйини деб баҳоланиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, барқарорлик ва беқарорлик жамият қонунларига мувофиқ ривожланади, тасодифийлик асосида ўзгаради.

Диссертацияда онгдаги барқарорлик ва беқарорликнинг эпистемологик жиҳатлари очиб берилган. Муаллиф фикрича, онг барқарор ва беқарор жараёнларнинг ижтимоий меъёрини белгилайди. Онгдаги барқарорлик ва беқарорлик ақл ўйини сифатида тавсифланади, унда аниқлик рад этилади ва анъанавий билимлар билан таққосланади, чунки у нафақат сезги, балки фикр эркинлигида ўз ифодасини топади.

Муаллиф фикрича, барқарорлик муносабатларни давом эттиришнинг ўзи хос ўлчовидир. Ўлчов доирасида ривожланаётган жараён ташқи кучларнинг таъсирида барқарор ҳолатдан чиқади, объект ўлчовининг ички бузилиши уни бошқа объектга айлантиради. Шунинг учун ўлчовнинг фалсафий концепцияси ҳақиқатнинг турли соҳаларида турли хил тушунчалар билан тавсифланади, умумий беқарорлик шароитида нисбий барқарорликни сақлашга ҳаракат қилади. Ақл - бу инсоннинг маданий ва тарихий жараёнлардаги қарашларининг муайян меъёрини белгиловчи омил, масалан, Ўзбекистонда мустақилликнинг кейинги даври менталитети ҳуқуқий ва маданий-ахлоқий тушунчалар белгиларининг ўзгариши билан тавсифланади: чайқовчи тадбиркор бўлади, хусусий мулк жамоат мулкидан устун туради, ҳақиқат ёлғонга йўл очади, чунки ёлғон гапириш ўз манфаатларига эришиш шаклига айланади ва ҳоказо. Муаллиф фикрича, бу жараёнда ақл янги жамиятни ёки янги маданиятни яратишга олиб келмайди, балки моддий ишлаб чиқариш жараёнларининг бошқа жиҳатларига, мулк шаклларига, инсон ҳуқуқларига, унинг маънавий қадриятларининг устувор йўналишларига ва бошқаларга қаратилган ўзгаришларнинг меъёрини аниқлашда иштирок этади.

Диссертациянинг **«Ижтимоий борликда барқарорлик ва беқарорликнинг диалектикасининг намоён бўлиши»** деб номланган иккинчи бобида инсон фаолиятидаги беқарорлик ноаниқлик билан белгиланиши, халқлар менталитетига хос бўлган ижтимоий ноаниқлик генетик беқарорлик билан боғликлиги очиб берилган. Муаллиф фикрича, учинчи минг йилликда шаклланган замонавий маданият дунёни анъанавий идрок этиш билан бир қаторда, инсоннинг янги дунёқараши ва қиёфасини шакллантиради ва бу ижтимоий-маданий коммуникациялардан

фойдаланишда ижтимоий онгдаги барқарорлик ва беқарорликда намоён бўлади. Бу беқарорлик пировард натижада барқарорликка айланади. Беқарор маданиятлар диалоги пировард натижада дунё маданиятининг барқарор ривожланишига олиб келади. Ижтимоий-маданий жараённинг икки томони сифатида беқарорлик инновация ва анъаналарда ўз ифодасини топади. Анъаналар диний, ахлоқий, илмий ва маънавий маданиятнинг барча шаклларида жамиятнинг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлайди. Анъанавий усул қайта ўйлаб топилган ва беқарорликдан ташқарида, жамиятдаги муносабатларни барқарорлаштиришга олиб келган. Инновациялар барқарор ва беқарор жараёнлар ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф қилиш механизми сифатида амал қилади, бунда дунёнинг ижтимоий-маданий манзараси ва тафаккур ўзгаради.

Муаллиф И. Пригожиннинг «Беқарорлик фалсафаси» мақоласидаги беқарорлик инсониятни ҳаракатлантирувчи куч³² ғоясининг ижтимоий аҳамиятини очиб берган ва ҳар қандай ўзгариш ўзгарувчан дунёда тахмин қилиш мумкин бўлмаган беқарорлик, ноаниқликка олиб келади, деган хулосага келган. Зеро, барча моддий жараёнлар барқарорлик ва беқарорликка ўтиш лаҳзасини ифодалайди, бунда барқарорлик ижобий, беқарорлик - салбий жараёнда ўз ифодасини топади. Бу умумий маънода дунё маданиятининг кўтарилиш ва пасайишларини изоҳлайди, яъни, унинг тарихий даврларини белгилайди.

Муаллиф фикрича, инсон табиатининг ўзгарувчанлиги унинг тафаккуридаги барқарорлик ва беқарорлик билан боғлиқ, унинг онгидаги ўзгарувчанлик мавжуд билимларнинг тасаввурдан ташқаридаги ўзгарувчанликни бошқариш механизмдир. Барқарорлик ва беқарорлик нафақат моддий дунёнинг, балки маънавий ҳаётнинг ҳам функционал асосини ташкил этади. Билим маънавий маданият ва оламни англаш воситаси, бироқ дунёнинг беқарорлиги ҳақиқий билим эгаллашга тўсқинлик қилади, буни тадқиқотчи Ф.Бэконнинг идоллар назарияси асосида исботлаган. Бу беқарорликни тасодифийлик билан боғлашга ёрдам беради, заруриятнинг намоён бўлиш шакли, онгнинг табиатини, ахборотни қайта ишлаш жараёни сифатида янада чуқурроқ аниқлаш, онг ва маданиятнинг тарихий генезисини аниқлаш имконини беради.

Барқарорлик ва беқарорлик жамиятда мавжуд кичик муаммоларни, масалан, кичик ижтимоий тизимларда барқарор ривожланиш муаммолари, индивидуал ва жамоа онгидаги муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Барқарор ривожланиш турғунликнинг олдини олади, чунки ҳар қандай барқарор ҳолат ҳаракат ва ривожланиш жараёнида узлуксизлик жараённинг лаҳзаси сифатида намоён бўлади. Муаллиф фикрича, беқарорликнинг салбий томони фақат инсон онгида мавжуд, чунки табиатда – бу ахлоқий ва ҳиссий жихатдан баҳолаб бўлмайдиган жараёндир. Барқарорлик ва беқарорлик жараёнлари энг аввало табиатда ва ижтимоий ҳаётда, масалан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқаларда рўй беради. Бу синергетик тамойиллар

³² Пригожин И. Философия нестабильности. // Вопросы философии. 1991. № 6. – 43 бет.

хаос сифатида намоён бўлади, зеро хаос ҳам тартибдир.

Диссертацияда диннинг ижтимоий-маданий жараёнлар барқарорлиги ва беқарорлигига таъсири асосланган. Муаллиф фикрича, ҳар бир эртанги кун ноаниқлигида намоён бўладиган беқарорликдир. Диндорлар инсоннинг бу дунёга нима учун келганлигини диний матнлар орқали тушунтиради ва одамларнинг гуноҳлари кечирилишининг сабабини изоҳлайди. Муаллиф фикрича, ҳозирги даврдаги ижтимоий муаммолар, инсон борлигига оид муаммоларни илмий ва диний китоблар орқали тушунтириб бўлмайди. Диний манбаларни тан олмасдан, на замонавий ва на келажак тарихининг ўрнини тушунтириб бўлмайди. Диний манбалар Худо томонидан одамни ўзининг илоҳий мақсади ва онгини англаш даражасига кўтариш воситаси эканлиги ҳақидаги фикр бидъат бўлмаслиги мумкин. Диний қарашлар ва ғояларда Худо инсонни чексиз тарихда очиб беради, инсонни ўзига янада яқинлаштиради, деб таъкидланади. Бу шунингдек Худо томонидан ибтидоий ҳолат ва турғунлик учун эмас, балки қулаши натижасида дунёда вайрон бўлган барқарорлик ва беқарорлик бирлигини ифодаловчи илоҳий фаол руҳнинг кўтарилиши учун берилган инсон руҳининг ўлмаслигини тушунтиради. Буни табиатда ҳам, жамиятда ҳам, инсоннинг ички дунёсида ҳам кўриш мумкин. Мутлақ барқарорлик улар учун абадий ҳаёт ҳақидаги диний таълимотга зид бўлган мутлақ мавжудликни англатади, Худо абадий ҳаёт учун ҳамма нарсани беради. Муаллиф фикрича, дин фалсафасида ечимини топмаган бу атама барқарорликка ўтмасдан тоза беқарорликни англатади, яъни диалектик жуфтликнинг фақат бир томони мутлақ йўқ қилинади ва ижтимоий-маданий жараён бутун дунё миқёсидаги фожиа характерини олади. Ижтимоий тузилмаларни илмий ўрганиш, биринчи навбатда, очиқ, чизиқли бўлмаган тизимларнинг таҳлили бўлиб, унда дастлабки шароитлар ва иккинчи даражали муносабатлар ва тасодифий жараёнлар катта роль ўйнайди. Шу муносабат билан, бундай тизимнинг фаолиятини тасвирлаш учун энг мос бўлган дарахтга ўхшаш графика бўлиб, у органик эволюция жараёнини, тилшуносликда, кимёда ва ҳоказоларни тасвирлашда ўзини дунёнинг илмий манзарасида эълон қилган.

Муаллиф Н.Г. Басовнинг ноаниқ фикрлаш нафақат физиклар, балки ижтимоий фанлар вакиллари учун ҳам зарурдир³³, деган фикрига қўшилган, чунки, бунда бир хиллик рад этилади ва билим тан олинади, ноаниқ, ночизиқли фикрлаш жараёнларини мавжуд имкониятлар соҳаси сифатида акс эттиради, ижтимоий-маданий дунёнинг реал жараёнларида барқарорлик ва беқарорлик намоён бўлишининг намунаси сифатида амал қилади.

Хуллас, беқарорлик вайронагарчилик манбаи сифатида сабабият қонунида намоён бўлади. Барқарорлик илмий ва технологик инқилоб натижаси ва ўтмиш тажрибаси билан тасдиқланади.

Диссертациянинг «**Инсон борлигида барқарорлик ва барқарорлик диалектикаси**», деб номланган учинчи бобида инсоннинг ижодий фаолияти, ижтимоий бошқарув, иқтисодий ислохотлардаги иштирокида барқарорлик ва

³³ Басов Н. Г., Летохов В. С. птические стандарты частоты // УФН. — 1968. — Т. 96, № 12.

беқарорликнинг амал қилиш механизмлари очиб берилган. Муаллиф фикрича, ижод инсоннинг дунёни билиш, унга муносабат билдириш, ўзгартириш жараёнида ўз ифодасини топади. Ижод шахснинг беқарор тафаккури, фикрлаш ва ҳаракати маҳсули бўлиб, у билимнинг ўсиши, фаолият усуллари танлашни тақозо этади. Бу ерда қарама-қаршилиқларнинг бирлиги беқарорлик ва барқарорликнинг ўзаро алоқаси сифатида намоён бўлади. Ижодкорнинг эркинлиги беқарор жамиятдаги ислохотлар билан уйғун ривожланади, зеро, ижодкорлик - бу турғунликнинг, барқарорликнинг беқарорликка ўтиши ва янги барқарорликка ўтиш йўлидир.

Ҳар қандай инсон борлиғида ижодий беқарорлик хавф, танқидий вазиятларнинг сабабларини таҳлил қилиш, беқарорликнинг аҳамиятини баҳолаш ва таваккалчиликнинг ўзаро алоқасини намоён этади. Бунда тўғри қарор қабул қилиш ўзига хос фалсафий маънога эга, чунки уни ирода эркинлиги сифатида шакллантириш мумкин, масалан, инсон онгли равишда қарор қабул қила оладими ёки йўқми, барча қарорлар олдиндан белгилаб кўйиладими деган саволларга жавоб танлаш имконияти, барқарорликнинг афзалликларига баҳо бериш билан берилади. Ижодкор субъект имкониятни танлаш ва танлаш имкониятига эга бўлиб бунда беқарор тафаккур устувор аҳамият касб этади. Муаллиф фикрича, беқарорликнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш усулларидан фойдаланиш янги барқарор тизимнинг асоси, ижтимоий тараққиёт омилидир. Бунда беқарорлик ноаниқликка, ноаниқлик эса хаосга олиб келади ва айни пайтда вазиятга тўғри баҳо бериш, янги имкониятлардан фойдаланишга йўл очади. Ноаниқлик фаолиятнинг айрим жиҳатларини хавф орқали ўрганиш имконини беради. Хатарнинг моҳияти нафақат беқарорлик, балки ижодий фаолиятда намоён бўлади. Демак, хавф шахснинг таваккалчилиги эмас, балки ижодий жараён натижаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишнинг ўзига хос усулидир. Хавф инсон фаолиятининг шакли сифатида вазиятга мослашувчанликни ва фавқулодда қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Шу боис, муаллиф инсон борлиғига таъсир этувчи иқтисодий, ҳуқуқий, биологик, ижтимоий, сиёсий хавф шакллари таснифлаган, уларнинг беқарорликнинг шаклланишидаги ўрнини очиб берган. Агар хавф – муайян муаммоли вазиятдан чиқишнинг йўли бўлса, ижодкорлик унинг воситасидир. Ижодий хавф ҳаёт зиддиятларини бартараф қилади ва уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради, бунда ирода эркинлигига таянилади.

Инсон борлиғидаги доимий барқарорлик муайян беқарорликнинг ўлчови сифатида тушунилади, чунки ҳеч ким барқарорликни мутлақ турғунлик деб ҳисобламайди. Диссертацияда ижтимоий-маданий фаолиятнинг бошқаришда барқарорлик ва беқарорлининг амал қилиш механизмлари таснифланган.

Муаллиф фикрича, инсоният эволюцияси сабабий муносабатларнинг чизиқли ривожланиши сифатида тасвирланиши мумкин. Бу ҳодисаларнинг чизиқлилиқ ва чизиқсизлиқнинг тасодифий томонларини акс эттиради. Синергетика бу назариянинг ҳақиқийлигини асослайди, бу эса ҳаёт мазмунини танлаш имконини беради. Барқарорлик ва беқарорликда

тасодифийлик сабабият билан эмас, балки зарурият билан тақозоланади. Тасодифийлик универсал аҳамият касб этади ва барқарорлик ҳамда беқарорлик ўртасидаги танловнинг универсаллигини белгилайди. Беқарорлик хавфнинг намоён бўлиш шаклларида бири ва уни белгиловчи омил бўлиб у ривожланишнинг асосидир, чунки беқарорлик бўлмаса, дунёда ривожланиш бўлмайди.

